



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 21 yil « 21 » aprel

№ 232

Toshkent sh.

### Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ-4913-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига хусусий секторни фаол жалб этиш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат томонидан тартибга солинадиган соҳаларга хусусий секторни жалб этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ-4913-сон қарорига мувофиқ тадбиркорлик субъектларига автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳукуки берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

**Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;**

**Электрон онлайн-аукционларга қўйиш учун махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойларнинг минимал қийматини (бошланғич нархини) белгилаш тартиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

3. Белгилансинки:

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларининг техник эксплуатацияси ва узлуксиз ишлашини таъминлаш, шу жумладан, жорий электр энергияси ва алоқа каналларининг харажатлари тадбиркорлик субъектлари томонидан мустақил равишда қопланади;

**тадбиркорлик субъектлари томонидан ўрнатилган маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари келгусида “Хавфсиз шаҳар” тизими билан мажбурий интеграцияси таъминланган ҳолда, тадбиркорлик субъектларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлади.**

4. Тадбиркорлик субъектларига тегишли маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларидан ундирилган жарима суммасини тақсимлашнинг қуидаги тартиби жорий этилсин:

**а) тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари жорий этилиб, ишга туширилган кундан бошлаб 1 йил давомида:**

**50 фоизи** – тадбиркорлик субъекти ҳисобварағига;

**15 фоизи** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

**10 фоизи** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

**15 фоизи** – йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган жойнинг маҳаллий бюджетига;

**5 фоизи** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонасига;

**5 фоизи** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш марказига “Хавфсиз шаҳар” концепциясини тўлиқ жорий этиш учун мақсадли йўналтирилади;

**б) тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари жорий этилиб, ишга туширилганидан 1 йил ўтгандан сўнг:**

**25 фоизи** – тадбиркорлик субъекти ҳисобига;

**20 фоизи** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига;

**15 фоизи** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига;

**25 фоизи** – йўл инфратузилмасини ривожлантириш учун мақсадли йўналтирилган ҳолда, йўл ҳаракати қоидалари бузилиши қайд этилган жойнинг маҳаллий бюджетига;

**5 фоизи** – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонасига;

**10 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш марказига “Хавфсиз шаҳар” концепциясини тўлиқ жорий этиш учун мақсадли йўналтирилади.**

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати:

тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимининг ўрнатилиши ва эксплуатация қилинишини **назорат қилувчи ваколатли орган ҳисобланади**;

тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда, автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими фаолиятини **доимий равишда, бевосита ҳамда масофавий тарзда мониторинг қиласди**;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати хузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси билан биргаликда махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимида ҳамда “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимида (КААТда) муентазам равишда ахборот ва киберхавфсизлик ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, **ахборот ва киберхавфсизлик ҳодисалари ҳамда таҳдидларини мониторинг қилиш ишларини амалга оширади**.

6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

транспорт воситаларининг ҳаракатланиш жадаллиги ва охирги икки йилда содир этилган йўл ҳаракати қоидабузарликларининг таҳлили асосида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари **ўрнатилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокациясини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин**;

йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокациясини ўзларининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилишини ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинишини ҳамда заруратга кўра муентазам янгилаб борилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг худудий бошқармаларида Йўл ҳаракати хавфсизлиги компьютерлаштирилган бошқарув тизимининг худудий бўлинмаларини ташкил этиш ҳамда замонавий сервер қурилмалари билан жиҳозлаш бўйича асослантирилган таклиф киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хуқуқий хужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорига  
1-илова

**Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл  
ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган  
фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш  
ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини (кейинги ўринларда – тизим) ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими –  
ҳайдовчилари йўл ҳаракати қоидабузарликларини содир этган транспорт  
воситаларининг рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини аниqlаш  
тизими;**

**тизим қурилмалари** – тадбиркорлик субъектлари томонидан тизимни шакллантириш учун фойдаланиладиган ҳамда транспорт воситалари томонидан содир этиладиган маъмурий хукуқбузарликларни фото ва видео қайд этиш ускунаси, “Г” ёки “Г” турдаги металл устун, қайд этилган қоидабузарлик ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни ўзида сақловчи қурилма, коммутатор, маршрутизатор ва бошқалардан иборат бўлган тармоқ қурилмалари ҳамда электр куввати билан таъминловчи қурилмалар;

**“Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими (КААТ)** – йўл ҳаракати соҳасидаги маъмурий хукуқбузарликларга доир ишларни ҳисобга олиш, кўриб чиқиш ва қоидабузарга нисбатан маъмурий тартибда жарима қўллаш тўғрисидаги қарорни шакллантирувчи комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими;

**объект** – электрон онлайн-аукционларда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига чекланмаган муддатга, мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ва бошқа тадбиркорлик субъектларига ўтказиш ҳуқуқи билан биритирилган махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жой;

**оператор** – электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли бўлган Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги “Электрон онлайн-аукционлар ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси;

**минимал қиймат (бошланғич нарх) – тизим жойлашган жойнинг электрон онлайн-аукционга қўйилган нархи;**

**“E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончаси – электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур маълумотларни киритиш, сақлаш ва қайта ишлаш имкониятини, шунингдек, манфаатдор шахсларнинг электрон онлайн-аукционлар жараёнида бевосита иштирок этишини таъминлайдиган ахборот тизими.**

3. Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш бўйича хужжатлар лойиҳасини келишиш ва ўрнатиш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Электрон онлайн-аукционларни ташкил этишга доир талаблар**

4. Тизим ўрнатилиши мумкин бўлган жойнинг дислокацияси ва минимал қиймати (бошланғич нархи), мазкур худуддаги транспорт оқими ва охирги икки йилда аниқланган йўл ҳаракати қоидалари турлари бўйича қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати (кейинги ўринларда – ваколатли орган) томонидан “E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасидаги алоҳида веб-саҳифада эълон қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПҚ-4913-сон қарори билан тасдиқланган 2021–2022 йилларда республика бўйича маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш дастурига мувофиқ йўл ҳаракати қоидалари бузилишини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими ўрнатилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Дислокация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлигининг расмий веб-сайтларида жойлаштирилади, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ҳамда заруратга қараб мунтазам равишда янгилаб борилади.

6. Тизим ўрнатилиши мумкин бўлган жойларнинг электрон онлайн-аукционлари оператор томонидан белгиланган “E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби бўйича амалга оширилади.

“E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукционлар (танловлар) “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонаси ва Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган регламент асосида ташкил этилади ва ўтказилади.

7. Ваколатли орган операторга электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги буюртма билан бирга қўйидаги ахборот ва хужжатларни тақдим этади:

тизим ўрнатилиши режалаштирилган жойни электрон онлайн-аукционга чиқаришга асос бўлган хужжатлар;

тизим ўрнатиладиган жойни электрон онлайн-аукционга қўйишида унинг минимал қиймати (бошлангич нархи);

тизим ўрнатиладиган жойнинг туаш ер участкалари билан бирга 4 та фотосурати;

тизим ўрнатиладиган жойнинг геолокацияси;

тадбиркорлик субъектларига юклangan мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотлар;

ваколатли орган (буюртмачи) ҳақида маълумот (почта ва электрон манзили, телефон, факс).

электрон онлайн-аукционга қўйиладиган объектни тавсифлайдиган хужжатлар.

8. Электрон онлайн-аукционларда иштирок этиш учун тегишли хужжатларни топшириш, кўриб чиқиш ва ғолиб тадбиркорлик субъектлари қонунчилик хужжатларида белгилangan тартибда аниқланади.

9. Электрон онлайн-аукционларда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари тизимни ўрнатиш ва ишга туширишни ушбу Низомга 2-иловада келтирилган Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими дастурий-техник воситаларига доир техник талабларга мувофиқ ташкил этади.

### **3-боб. Маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд етиш тизимини ўрнатишга доир талаблар**

10. Тизим электрон онлайн-аукционларда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзларига бириктирилган объектларда мазкур Низом талабларига мувофиқ ўрнатилади.

11. Тизимнинг дастурий-техник воситалари мазкур Низомга 2-иловада келтирилган Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими дастурий-техник воситаларига доир техник талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

Бунда тадбиркорлик субъектлари қўйидаги идоралардан объект бўйича техник шартлар олиши лозим:

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси филиали;

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамиятининг худудий корхонаси;

Автомобиль йўллари қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармаси; туман (шаҳар) ҳокимликлари.

12. Металл устунларни лойиҳалаш, экспертизадан ўтказиш, ваколатли давлат органлари билан келишиш ва ўрнатиш ишлари тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

13. Тизим Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг “Маъмурий амалиёт” комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда – “Маъмурий амалиёт” КААТ) мажбурий тартибда ва техник талаблар асосида интеграция қилинади.

14. Тизимни жорий этишда узлуксиз ишлайдиган ва ҳимояланган алоқа каналлари тадбиркорлик субъектлари ҳисобидан ташкил этилади.

15. Тизимни электр тармоғига улаш тадбиркорлик субъектлари зиммасига юкланди.

16. Объектларда муҳандислик инфратузилмасини яратиш ушбу Низомда белгиланган талабларга асосан тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

17. Тизим ўрнатилгандан сўнг ўн кун давомида синов тариқасида ишлатилади.

Тизим синов тариқасида амал қилган даврда қайд этилган йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича жарима ундирилмайди.

#### **4-боб. Maxsus автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини эксплуатация қилишга доир техник талаблар**

18. Тизим доимий ва узлуксиз режимда ишлаши ҳамда узилишлар рўй берганда оффайн тарзда маълумотларни тўплаш ва сақлаш, тизимнинг фаолияти қайта тикланганда эса, ушбу олинган маълумотларни тақдим этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Алоқа тармоқларида узилишлар кузатилганда, маълумотларни қурилмада 48 соатдан кам бўлмаган вақт давомида сақлаш имкониятига эга бўлган захира хотира қурилмаси мавжуд бўлиши талаб этилади.

19. Тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун 8 соатдан кам бўлмаган захира электр таъминоти бўлиши лозим.

20. Maxsus автоматлаштирилган фото ва видео қайд дастурий-техник воситалари “Ўзстандарт” агентлигининг ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш сертификатига эга бўлиши ҳамда норматив хужжатларда белгиланган муддатларда қайта қиёслашдан ўтказилиши шарт.

21. Тизимнинг тармоқ қурилмалари фото ва видео қайд этиш ускуналари ҳолатини автоматлаштирилган мониторинг қилиш (ишчи ҳолатдалиги) имкониятига эга бўлиши лозим.

22. Тизим ёрдамида қайд этилган қоидабузарлик ва транспорт воситалари түғрисидаги фото маълумотлар 730 кундан, видео маълумотлар 90 кундан кам бўлмаган муддатда “Маъмурий амалиёт” КААТда сақланади.

23. Алоқа тармоқлари оптик толали тармоқ технологиялари ёрдамида ташкил этилади (коммутатор, маршрутизатор ва бошқалар) ҳамда тармоқнинг сўнгги нуқталарига қадар хизмат кўрсатиши учун етарли ўтказувчанликни таъминлаши лозим.

24. Тизим ёрдамида аниқланган қоидабузарликлар түғрисидаги маълумотлар ҳимояланган алоқа каналлари орқали марказий сервер курилмасига узатилади.

25. Тизим етказиб берувчи корхона томонидан камида З йил давомида кафолатланган техник қўллаб-куватланиши лозим.

### **5-боб. Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиши ва ахборот-коммуникация тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар**

26. Тадбиркорлик субъектлари обьектга ўрнатиладиган тизим ва ахборот-коммуникация тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга масъул ҳисобланиб, белгиланган талабларга риоя қилиш мажбуриятини олади.

27. Тизимга ҳар қандай кўринишдаги қўшимча қурилма ва воситаларни улаш тадбиркорлик субъектларининг ёзма мурожаатига асосан ваколатли орган билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бунда ваколатли орган томонидан 5 иш кунида тадбиркорлик субъектларининг ёзма мурожаати юзасидан рухсат бериш ёки рад этиш бўйича асослантирилган жавоб хати тақдим этилади.

28. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг маълумотлар узатиш тармоғига ахборот хавфсизлиги талабларига зид равишда ноқонуний уланиш ёки уланишга уриниш тақиқланади.

29. Тизимдаги барча маълумотлар хизмат доирасида фойдаланиш учун қўлланилади.

30. Тадбиркорлик субъектлари тизимдаги маълумотлар ваколатли органнинг рухсатисиз ошкор бўлмаслиги, тизимдан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган техник мутахассисларнинг махфий маълумотларни ошкор этмасликларини таъминлаш учун масъул ҳисобланади.

31. Ваколатли орган томонидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган техник топшириқ намунасининг ахборот ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонасида экспертизадан, шунингдек, дастурий

маҳсулотлар ва ахборотни ҳимоя қилиш воситалари сертификатлашдан ўтказилади.

32. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати хузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда тизимда ҳамда “Маъмурий амалиёт” КААТда мунтазам равишда ахборот ва киберхавфсизлик ҳолати бўйича ўрганишлар ўтказиш, шунингдек, ахборот ва киберхавфсизлик ҳодисалари ва таҳдидларини мониторинг қилиш ишларини амалга оширади.

**6-боб. Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимини фойдаланишга топшириш ҳамда унга нисбатан ҳуқуқларни бекор қилиш тартиби**

33. Объект электрон онлайн-аукционларда ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига мулк ҳуқуқи асосида чекланмаган муддатга, бошқа тадбиркорлик субъектларига ўтказиш ҳуқуқи билан бириктирилади.

34. Тизим тадбиркорлик субъектларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, унга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тадбиркорлик субъектлари мазкур Низом ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қиласди.

35. Тизим ушбу Низом талаблари асосида тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлиқ шакллантирилгандан сўнг ваколатли органнинг “Тизимнинг қўйилган техник талабларга жавоб беришини ўрганиш бўйича техник хulosаси”га асосан ишга туширилади ҳамда шундан сўнг ушбу Низомнинг 37-банди талабларини инобатга олган ҳолда тизимдан фойдаланишга рухсат берилади.

36. Тадбиркорлик субъектларининг тизимдан фойдаланиш ҳуқуқи йўлга эгалик қилувчи юридик шахслар билан шартнома тузилган кейин вужудга келади.

37. Объектдан бошқа мақсадларда ёки ушбу Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳолатда фойдаланилганда, ваколатли органнинг ташаббусига асосан тадбиркорлик субъектларининг тизимдан фойдаланиш ҳуқуқи вақтинча тўхтатиб турилади.

38. Тизим фаолияти юзасидан ваколатли орган томонидан билдирилган эътиrozлар бартараф этилган тақдирда, ваколатли органнинг “Тизимни ўрганиш бўйича хulosаси”га асосан у қайта ишга туширилади ва шундан сўнг тизимдан қайта фойдаланишга рухсат берилади.

39. Тизим ўрнатилган объект давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун олиб кўйилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Транспорт вазирлиги томонидан тадбиркорлик субъектларига мазкур объект қийматига teng бўлган бошқа бўш турган объект таклиф этилади.

Бунда таклиф этиладиган объект сутка давомида транспорт воситалари қатновининг ҳаракатланиш жадаллиги (сони) бўйича мутаносиб бўлиши лозим.

40. Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун объект олиб қўйилган тақдирда, тадбиркорлик субъектларининг бошқа объектда тизимни ушбу Низомда белгиланган муддатда жорий қилиш билан боғлиқ ҳаражатлари объектни олиб қўйишда ташаббускор томоннинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

41. Ваколатли орган томонидан билдирилган қуидаги эътиrozлар мазкур Низомнинг 43-бандида кўrsatилган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектларининг объектга нисбатан бўлган мулк хукуки суд тартибида бекор қилинишига олиб келади:

тизимдан бошқа мақсадларда фойдаланганда;

тизимдан фойдаланиш жараёнида ушбу Низом билан тасдиқланган техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолатлар келиб чиққанда;

тизимга ваколатли органнинг рухсатисиз қўшимча ёки бошқа қурилма ўрнатилганда;

тизим йўл ҳаракати қоидабузарликларини аниқлашда уч ва ундан ортиқ маротаба хатоликлар билан ишлаши қайд этилганда;

ташқи таъсир натижасида тизим қурилмаларининг жойлашувида ўзгариш юз бериб, транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишига тўсқинлик қилганда.

Конунчилик хужжатларида объектга нисбатан мавжуд бўлган мулк хукукини бекор қилишнинг бошқа асослари ҳам назарда тутилиши мумкин.

42. Ваколатли орган томонидан билдирилган эътиrozлар 30 кун давомида бартараф этилмаган тақдирда ёки бириктирилган объектдан ихтиёрий воз кечилганда, тадбиркорлик субъектларининг объектга нисбатан бўлган мулк хукуки суд тартибида бекор қилинади.

Бунда узрли сабабларга (мутахассисларнинг чет элдан келиш зарурати, тизимдаги камчиликни бартараф этиш юзасидан мураккаб технологик ечим ва бошқалар) кўра белгиланган муддат 30 кунгача узайтирилиши мумкин.

43. Суд томонидан объектга нисбатан бўлган мулк хукуки бекор қилинганда, тизим қурилмалари тадбиркорлик субъектларига қайтарилади ва суд қарорида (ажримида) белгиланган муддат ичida ваколатли орган ҳамда йўлга эгалик қилувчи юридик шахсларнинг иштирокида қонунчилик хужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда тадбиркорлик субъектлари томонидан ечиб олинади.

Тадбиркорлик субъектларига суд томонидан юклangan мажбурият белгиланган муддат ичida амалга оширилмаган тақдирда, мазкур қурилмалар ваколатли орган ҳамда йўлга эгалик қилувчи юридик шахслар томонидан қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этилган ҳолда ечиб олинади ҳамда

тадбиркорлик субъектларининг расмий сўровига асосан қурилмаларнинг ечиб олиниши билан боғлиқ харажатлар тадбиркорлик субъектлари томонидан қоплангандан сўнг уларга ёки уларнинг ишончли вакилига қайтарилади.

44. Тадбиркорлик субъектларининг объектга нисбатан бўлган ҳукуқининг суд тартибида бекор қилинишида электрон онлайн-аукционлар ва тизимни яратиш билан боғлиқ ҳамда суд харажатларини қоплаш масаласи қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибида суд томонидан ҳал этилади.

45. Суд тартибида мулк ҳукуқи бекор қилинган тақдирда, объект ваколатли орган томонидан 30 кун ичida “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасига қайта эълон қилиш учун тақдим этилади.

## **7-боб. Тадбиркорлик субъектлари ҳамда ваколатли органнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари**

46. Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари:

“E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида эълон қилинган электрон онлайн-аукцион орқали тизимни ўрнатиш обьекти аукционида иштирок этиш;

тизимни жорий этиш лойиҳасини амалга ошириш учун зарур ахборотларни ваколатли органлардан олиш;

объектда лойиҳа-тадқиқот ишларини амалга ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузиш;

шартнома талаблари бузилган тақдирда, уни суд тартибида бекор қилишни талаб қилиш;

электрон онлайн-аукцион натижаларига кўра уларга бириклирдан обьектдан чекланмаган муддатда фойдаланиш ҳамда уни бошқа тадбиркорлик субъектларига ўтказиш;

тизим фаолияти юзасидан ваколатли орган томонидан билдирилган эътиrozлар узрли сабабларга кўра (мутахассисларнинг чет элдан келиши зарурати, тизимдаги камчиликни бартараф этиш юзасидан мураккаб технологик ечим ва бошқалар) 30 кун ичida бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, мазкур муддатни узайтириш учун ёзма мурожаат қилиш.

Тадбиркорлик субъектлари қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

47. Тадбиркорлик субъектлари қўйидагиларга мажбур:

тизимни мазкур Низомга 2-иловада келтирилган техник талабларга мувофиқ харид қилиш;

тизим ёрдамида аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилган Технологик йўриқнома талаблари асосида “Маъмурий амалиёт” КААТга тақдим этиш;

тизим фаолиятини факат ўзларига бириктирилган объектда, стационар режимда ҳамда тегишли йўл белгиларининг ўрнатилишини ва ётиқ чизиқларнинг чизилишини таъминлаган ҳолда ташкил этиш;

тизим томонидан йўл ҳаракати қоидабузарликлари нотўғри аниқланганлиги тасдиқланган ҳолларда, уларни содир этган деб эътироф этилган шахсга етказилган барча моддий заарни қоплаш;

табиий офат (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва шу каби бошқа ҳодисалар) натижасида тизим носоз ҳолга келган тақдирда, табиий офат оқибатлари бартараф этилган кундан бошлаб 60 кун ичида тизимни қайта ишга тушириш ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиш;

электрон онлайн-аукцион савдоларида ғолиб бўлган тадбиркорлик субъектларига тизим ўрнатиладиган жойни бириктириш бўйича шартнома тузилганидан сўнг 60 кун ичида тизимни ишга тушириш;

тизим фаолияти юзасидан ваколатли орган томонидан билдирилган эътиrozларни 30 кун ичида бартараф этиш;

қонунчилик хужжатлари талабларига риоя этиш.

#### 48. Ваколатли орган қуидаги ҳуқуқларга эга:

тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига аралашмаган ҳолда тизим фаолиятини доимий равишда, бевосита ҳамда масофавий тарзда мониторинг қилиш;

тизимдан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш ҳамда қоидабузарликларни аниқлашда холисликни ўрганиш;

тизимда аниқланган камчилик ва хатоликларнинг бартараф этилишини талаб қилиш;

тизим томонидан йўл ҳаракати қоидабузарликлари нотўғри аниқланишида тадбиркорлик субъектларининг айби тасдиқланган ҳолларда, етказилган заарни қоплаш юзасидан судга тегишли хужжатларни тақдим қилиш;

тадбиркорлик субъектлари ушбу Низомда белгиланган талабларни лозим даражада бажармаган ёки ваколатли орган билдириган эътиrozларни бартараф этмаган тақдирда, мазкур тизим томонидан юборилаётган маълумотлар “Маъмурий амалиёт” КААТга қабул қилинишини тўхтатиш;

тадбиркорлик субъектлари тизим ўрнатиладиган жой бўйича йўлга эгалик қилувчи юридик шахслар билан шартномаси расмийлаштиргандан сўнг тизимни ишга тушириш, шунингдек, ваколатли орган билдириган эътиrozларни бартараф этиш билан боғлиқ муддатларга амал қилмаган тақдирда, уларга бириктирилган объектдан фойдаланиш ҳуқуқини вақтинча тўхтатиш.

Ваколатли орган қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

49. Ваколатли орган қуидагиларга мажбур:

оператор билан веб-порталда электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатиш юзасидан шартнома тузиш;

тизим ўрнатилиши мумкин бўлган жойларнинг дислокацияси ҳақидаги маълумотларни электрон онлайн-аукцион ўтказилишидан камида 30 кун олдин маҳаллий оммавий ахборот воситалари ва ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиш;

электрон онлайн-аукционлар ўтказиш билан боғлиқ хужжатларни Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” давлат унитар корхонасига ўз вақтида тақдим этиш;

тизим ўрнатилиши режалаштирилаётган объектларда тегишли йўл белгиларини ўрнатиш ва ётиқ чизиқларни чизиш юзасидан масъул идора ва ташкилотларга тақдимномалар киритиш;

“Маъмурий амалиёт” КААТга тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий этилган тизимдан келиб тушган маълумотларнинг узлуксиз ва бенуқсон қайта ишланишини таъминлаш;

хукуқбузарга нисбатан маъмурий тартибда жарима қўллаш тўғрисида қарор шакллантирилишини таъминлаш;

ушбу Низомда белгиланган мажбуриятларини лозим даражада бажармаётган тадбиркорлик субъектларининг автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганинги маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатилишини ташкил этиш бўйича фаолиятини суд тартибида тўхтатиш ёки бекор қилиш чораларини кўриш;

лойиҳани амалга оширишни мувофиқлаштириш;

тизим фаолияти юзасидан билдирилган эътиrozлар бартараф этилган тақдирда, уни қайта ишга тушириш ва қайта фойдаланиш учун “Тизимнинг қўйилган техник талабларга жавоб беришини ўрганиш бўйича техник хulosasi”ни бериш;

бириктирилган объектдан ихтиёрий воз кечилганда ёки билдирилган эътиrozлар 30 кун давомида бартараф этилмаган тақдирда тадбиркорлик субъектларининг объектга нисбатан бўлган тўлиқ мулк хукукини суд тартибида бекор қилиш чораларини кўриш;

тизим фаолияти юзасидан билдирилган эътиrozлар тадбиркорлик субъектлари томонидан узрли сабабларга кўра (мутахассисларнинг чет элдан келиши зарурати, тизимдаги камчиликни бартараф этиш юзасидан мураккаб технологик ечим ва бошқалар) 30 кун ичida бартараф этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, мазкур муддатни тадбиркорлик субъектларининг ёзма мурожаатига асосан 30 кунгача узайтириш;

суд тартибida мулк ҳуқуқи бекор қилинган объектни “E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасига қайта эълон қилиш учун тақдим этиш.

50. Ваколатли орган ва тадбиркорлик субъектлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ўзаро ҳамкорлик қиласидилар.

### **8-боб. Якунловчи қоидалар**

51. Ваколатли орган ва тадбиркорлик субъектлари тизимнинг жорий этилиши ва лойиҳанинг самарали амалга оширилишида тегишлилиги бўйича масъулдирлар.


52. Тизимни жорий этиш ва эксплуатация қилишда келиб чиқадиган ёки йўл ҳаракати ҳодисаси натижасида тизимга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

53. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганинги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиши дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 1-илова

**Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганинги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиши тизими дастурий-техник воситаларини ўрнатиш бўйича хужжатлар лойиҳасини келишиш**

**СХЕМАСИ**



Боскичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Муддатлар
4-боскич	Давлат активларини бошқариш агентлиги хузуридаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК	<ol style="list-style-type: none"> <li>Аукционни унда иштирок этишга ариза берган иккى ва ундан ортиқ иштирокчи мавжуд бўлганда, оператор веб-порталида автоматик тарзда ўтказади.</li> <li>Электрон онлайн-аукционларда голиб бўлган тадбиркорлик субъектига QR-кодини кўллаш орқали аукцион натижалари тўғрисидаги баённомани расмийлаштиради ва тақдим этади.</li> <li>Баённомани аукцион голиби ва ваколатли органнинг кабинетига юборади.</li> <li>Аукцион натижаларини операторнинг веб-порталида эълон қиласди.</li> </ol>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Оператор веб-порталида эълон қилинган вақтда бошланади ва голиб аниқлангунга қадар давом этади.</li> <li>Аукционда ютиб олинган объект учун тўлов суммаси тўлиқ тўлангандан кейин 3 иш куни мобайнида</li> <li>Баённома расмийлаштирилгандан сўнг.</li> <li>Аукцион якунланган заҳоти.</li> </ol>
5-боскич	Транспорт вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар	Объектни аукцион натижалари тўғрисидаги баённомага мувофиқ голиб бўлган тадбиркорлик субъектига шартнома асосида чекланмаган муддатга ва бошқа тадбиркорлик субъектига ўтказиш ҳуқуки билан биректиради.	5 иш куни мобайнида
6-боскич	Тадбиркорлик субъекти	<p>Тадбиркорлик субъекти қўйидаги идоралардан объект бўйича техник шарт олади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>“Ўзбектелеком” АК филиали.</li> <li>“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг худудий корхонаси.</li> <li>Автомобиль йўллари қўмитасининг Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармаси.</li> <li>Туман (шахар) ҳокимлиги.</li> </ol>	Зарур бўлганда
7-боскич	<ol style="list-style-type: none"> <li>“Ўзбектелеком” АК филиали.</li> <li>“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг худудий корхонаси.</li> <li>Автомобиль йўллари қўмитасининг Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар автомобиль йўллари бош бошқармаси.</li> <li>Туман (шахар) ҳокимлиги.</li> </ol>	Тадбиркорлик субъектига муайян объект учун техник шартларни тақдим этади.	7 иш куни мобайнида
8-боскич	Тадбиркорлик субъекти	Техник шартлар ва талаб этилган бошқа хужоатлар билан лойиҳалаш идораларига мурожаат қиласди.	3 иш куни мобайнида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбиrlар	Муддатлар
9-босқич	Лойихалаш идораси	Тегишли ташкилот ва идоралар билан лойиха хужоатларини белгиланган тартибда келишади. Лойиха хужоатларини ишлаб чиқади ҳамда тадбиркорлик субъектига тақдим этади.	15 иш куни мобайнида
10-босқич	Тадбиркорлик субъекти	Лойиха хужоатларини экспертизадан ўтказиш мақсадида экспертиза фаолиятини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотга белгиланган тартибда тақдим этади.	3 иш куни мобайнида
11-босқич	Лойихага экспертиза хulosасини берувчи ташкилот	Лойиха хужоатларини белгиланган тартибда экспертизадан ўтказиб, тадбиркорлик субъектига эътиroz ва таклифлар ёки ижобий хулоса тақдим этади.	10 иш куни мобайнида
12-босқич	Тадбиркорлик субъекти	Ижобий хулоса олинган лойиха бўйича курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш юзасидан ушбу схеманинг еттинчи босқичида кўрсатилган давлат органлари билан қайта келишади.	5 иш куни мобайнида
13-босқич	Тадбиркорлик субъекти	Тасдиқланган лойиха хужоатлари асосида курилиш-монтаж ишларини амалга оширади.	Пудратчи ташкилот билан имзоланган шартномадаги муддатларда
14-босқич	Тадбиркорлик субъекти	1. Курилиш-монтаж ишлари яқунлангандан сўнг ишчи хужоатлар ва далолатномаларни расмийлаштиради. 2. Тизимни ишга тушириш юзасидан тегишли хужоатларни расмийлаштиради.	7 иш куни мобайнида

**Изоҳ:** Тадбиркорлик субъектлари томонидан тизимни жорий этиши муддати объект ўзларига бироктирилган кундан бошлаб 60 кундан ошмаслиги лозим.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илова

**Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилганлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими дастурий-техник воситаларига доир  
ТЕХНИК ТАЛАБЛАР**

**1-§. Умумий талаблар**

1. Тадбиркорлик субъектлари томонидан автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизими (кейинги ўринларда – тизим) ушбу Техник талаблар ва шаҳарсозлик нормалари асосида жорий этилади.

2. Тадбиркорлик субъектлари мазкур Техник талаблар ва O'z DSt 1987:2018 давлат стандарти асосида тизимни жорий қилиш бўйича техник топшириқ ҳужжатларини ишлаб чиқади ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонасидан экспертиза хулосасини олади.

3. Тадбиркорлик субъектлари тизим доирасида қуйидаги тизимларни жорий этади:

транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини фото ва видео қайд этиш (радар) тизими;

йўл ҳаракати қоидабузарликларини фото ва видео қайд этиш тизими;  
тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоидабузарликларини фото ва видео қайд этиш тизими.

**2-§. Транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимига қўйиладиган умумий техник талаблар**

4. Транспорт воситаларининг ҳаракат тезлигини фото ва видео қайд этиш (радар) тизимига (кейинги ўринларда – тезликни қайд этиш тизими) қўйиладиган умумий техник талабларга мувофиқ тизим:

бир вақтнинг ўзида уч ва ундан ортиқ йўл бўлакларида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлигини ҳамда давлат рақами белгисини аниқлаши;

5-250 km/h тезлик оралиғида ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг тезлиги ва давлат рақами белгисини аниқлаши;

Ўрнатилган нуқтадан сутканинг кундузги ва тунги вақтларида ўтувчи транспорт воситаларининг камида 95 фоизининг давлат рақами белгисини қайд этиши;

“Ўзстандарт” агентлигининг ўлчаш воситаларини метрологик аттестациялаш сертификатига эга бўлиши;

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг худудий кодлари тақсимоти бўйича давлат рақами белгиларини аниқлаши;

электр тармоғида узилишлар юз берганда, унинг фаолиятини 8 соатдан кам бўлмаган вақт давомида қўллаб-қувватлаш имконига эга бўлган захира электр манбай билан жиҳозланган бўлиши лозим.

5. Жорий этилган тезликни қайд этиш тизими орқали ҳайдовчилар томонидан белгиланган ҳаракат тезлигини ошириш қоидабузарлигини аниқлаш талаб этилади.

### **3-§. Йўл ҳаракати қоидабузарликларини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимиға қўйиладиган умумий техник талаблар**

6. Йўл ҳаракати қоидабузарликларини фото ва видео қайд этиш тизимиға (кейинги ўринларда – қоидабузарликларни қайд этиш тизими) қўйиладиган умумий техник талабларга мувофиқ тизим:

бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ йўл бўлаклари ҳамда чорраҳаларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг давлат рақами белгисини аниқлаши;

ўрнатилган нуқтадан сутканинг кундузги ва тунги вақтларида ўтувчи транспорт воситаларининг камида 95 фоизининг давлат рақами белгисини аниқлаши;

чорраҳаларда ҳамда икки ва ундан ортиқ йўл бўлакларида бир вақтнинг ўзида содир бўладиган қоидабузарликларни аниқлаши;

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Автомототранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг худудий кодлари тақсимоти бўйича давлат рақами белгиларини аниқлаши лозим.

7. Тадбиркорлик субъектлари томонидан жорий этилган қоидабузарликларни қайд этиш тизими оқали күйидаги қоидабузарликларни:

транспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан светофорнинг тақиқловчи чироғида йўлнинг қатнов қисмидаги йўл чизиқларини ёки йўл белгилари билан белгиланган тўхташ чизиғини босиб кириши;

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг светофорнинг тақиқловчи чироғига бўйсунмасдан ўтиши;

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқиши;

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг Йўл ҳаракати қоидалари билан тасдиқланган 4.1.1.“Ҳаракатланиш тўғрига” буюрувчи йўл белгисига амал қилмаслиги;

транспорт воситалари ҳайдовчиларининг Йўл ҳаракати қоидаларига 2-илова билан тасдиқланган 1.1 – ётиқ чизик йўл белгисига амал қилмаслигини аниқлаш талаб этилади.

#### **4-§. Тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоидабузарликларини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш тизимиға қўйиладиган умумий техник талаблар**

8. Тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоидабузарликларини фото ва видео қайд этиш тизимиға (кейинги ўринларда – тўхташ ва тўхтаб туриш қоидабузарликларини қайд этиш тизими) қўйиладиган умумий техник талабларга мувофиқ тизим:

белгиланган худудда транспорт воситаларининг тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоидабузарликларини ҳамда уларнинг давлат рақами белгиларини аниқлаши;

тўхташ ва тўхтаб туриш қоидабузарликларни қайд этиш тизими ўрнатилган нуқтадан 360 градус радиусда, 100 метрдан кам бўлмаган масофада тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоидабузарликларини аниқлаши;

ўрнатилган нуқтадаги транспорт воситаларининг давлат рақами белгиларини сутканинг кундузги ва тунги вақтларида камида 95 фоизини аниқликда рўйхатга олиши;

бир нуқтада битта транспорт воситаси билан 24 соат давомида аниқланган қоидабузарликларни бир маротаба қайд этиши;

тўхташ ва тўхтаб туриш қоидабузарликларини қайд этиш тизими оқали Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 131-сон қарори билан тасдиқланган Автомотранспорт воситаларига бериладиган рўйхатдан

ўтказиш давлат рақами белгиларининг ҳудудий кодлари тақсимоти бўйича давлат рақами белгиларини аниқлаши лозим.

9. Транспорт воситаларининг тўхташ ва тўхтаб туриш йўл ҳаракати қоидабузарликларини ҳамда уларнинг давлат рақами белгиларини аниқлашда, далил сифатида қўйидаги икки хил турдаги фотосурат икки хил вақт оралиғида олиниши талаб этилади:

транспорт воситасининг тўхташ мумкин бўлмаган ҳудудда тўхтаган вақтдаги умумий фотосурати;

транспорт воситасининг давлат рақами белгиси катталаштирилган ҳамда аниқ кўринган ҳолатдаги фотосурати. Бунда транспорт воситаси тўхташ мумкин бўлмаган ҳудудда транспорт воситаси ҳаракатини 1 дақиқагача бўлган муддатга тўхтатганлигини тасдиқловчи фотосуратлар;

транспорт воситаси тўхташ туриш мумкин бўлмаган ҳудудда транспорт воситаси ҳаракатини 10 дақиқадан кўпроқ вақтга тўхтатганлигини тасдиқловчи фотосуратлар.

### **5-§. Тизимнинг ўрнатилишига қўйиладиган умумий талаблар**

10. Тизимни жойлаштириш учун автомобиль йўлининг қатнов қисмига халақит бермайдиган ҳолда, ўнг ёки чап йўналишга “I” ёки “Г” шаклдаги металл устун ўрнатилади.

11. Тизимлар металл устунга 6 метрдан кам бўлмаган баландликда ўрнатилади.

12. Металл устунларни ўрнатиш, лойиҳалаш, экспертизадан ўтказиш ва тегишли давлат идоралари билан келишиш ишлари тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилади.

13. Металл устун ва транспорт воситасининг тўхташ чизиги оралиғидаги масофа 15 – 25 метр бўлиши лозим.

14. Тизим ўрнатилган металл устунга умумий ҳолатни кузатиш ва ўрнатилган қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кузатув камералари ўрнатилади.

15. Ўрнатилган металл устунларнинг ўнг ёки чап томонидан 4 метр баландликда телекоммуникация жавони ўрнатилади. Ушбу жавон керакли алоқа ҳамда электр қурилмалари билан жиҳозланади.

### **6-§. Тизим ёрдамида қайд этилган қоидабузарлик ва транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш ҳамда сақлашга қўйиладиган талаблар**

16. Тизим ёрдамида қайд этилган қоидабузарлик ва транспорт воситалари тўғрисидаги барча фото маълумотлар 730 кундан, видео маълумотлар 90 кундан кам бўлмаган муддатда Ички ишлар вазирлиги

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг “Маъмурий амалиёт” КААТда сақланиши лозим.

17. Тизим “Маъмурий амалиёт” КААТга техник талаблар асосида интеграция қилиниши ва ўзаро ишлаш имкониятига эга бўлиши талаб этилади.

18. Тизим орқали аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар “Маъмурий амалиёт” КААТга тақдим этилиши шарт:

қайд этилган транспорт воситасининг уч ҳолатдаги фотосурати (транспорт воситаси, унинг давлат рақами белгиси, қоидабузарлик содир этилган ҳолатнинг умумий кўриниши);

қоидабузарлик қайд этилган вақт (кун, соат, дақиқа);

транспорт воситасининг тезлиги (km/h);

қоидабузарлик аниқланган манзил (туман (шаҳар), кўча, автомобиль йўлининг километри ёки мўлжал);

қоидабузарлик аниқланган манзилнинг GPS координатаси;

ҳолат акс этган 6-10 сониядан иборат видеолавҳа ва унинг ҳаволаси.

19. Маълумотларни қайта ишлаш ва сақлаш тизимида амалга оширилган ҳар қандай амалий буйруқлар тўғрисидаги маълумотлар (log файллар) сақланиши лозим.

20. Тизим ёрдамида қайд этилган қоидабузарлик ҳамда транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар билан Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашнинг автоматлаштирилган (компьютерлаштирилган) бошқарув тизими ходимларига масофадан туриб ишлаш имкониятининг мавжуд бўлиши талаб этилади.

21. Тизим доимий ва узлуксиз режимда ишлаши ҳамда узилишлар рўй берганда оффайн тарзда маълумотларни тўплаш ва сақлаш, фаолияти қайта тикланганда эса, олинган маълумотларни тақдим этиш имкониятига эга бўлиши талаб этилади.

## **7-§. Алоқа тармоғига қўйиладиган талаблар**

22. Алоқа тармоқлари оптик толали тармоқ технологиялари (коммутатор, маршрутизатор ва бошқалар) ёрдамида ташкил этилиб, тармоқнинг сўнгги нуқталарига қадар хизмат кўрсатиши учун етарли ўтказувчанликни таъминлаши лозим.

23. Тизим орқали аниқланган қоидабузарликлар тўғрисидаги фото ва видео маълумотлар VPN (Virtual Private Network – виртуал хусусий тармоқ) алоқа канали орқали марказий сервер қурилмасига узатилиши лозим.

24. Алоқа линиясида узилишлар содир бўлганда, аниқланган қоидабузарликларни вақтинча сақлаш учун маҳсус қурилма ўрнатиш, унинг ёрдамида қоидабузарликлар тўғрисидаги маълумотларни сақлаб туриш ва алоқа тиклангандан сўнг уларни марказий серверга узатиш талаб этилади.

### **8-§. Тизимни электр қуввати билан таъминлашга мўлжалланган электр таъминоти қурилмасига қўйиладиган талаблар**

25. Тизимни электр қуввати билан таъминлашга мўлжалланган электр таъминоти қурилмасининг (кейинги ўринларда – электр таъминоти) ерга уланиш контур қаршилиги 4 Ом гача бўлиши талаб этилади.

26. Электр кабель сиғими ўрнатилаётган тизимнинг юкламасидан келиб чиқиб танланиши лозим.

27. Электр энергиясини ҳисобга олиш учун сертификати мавжуд бўлган замонавий электр ўлчаш воситаларини ўрнатиш талаб этилади.

28. Тизимнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида 8 соатдан кам бўлмаган захира электр таъминоти бўлиши талаб этилади.

### **9-§. Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар**

29. Дастурий таъминот воситалари тизимни замонавий платформаларда ишлашини таъминлаб, энг сўнгги стандартларни қўллаб-қувватлаши талаб этилади.

30. Тизим дастурий таъминот ишлаб чиқарувчиси томонидан камида 3 йил давомида қўллаб-қувватланиши зарур.

31. Тизимнинг дастурий таъминоти умумий ва маҳсус дастурий таъминотлардан иборат бўлиши талаб этилади.

### **10-§. Тизимнинг ахборот хавфсизлигига қўйиладиган талаблар**

32. Ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти тизимдаги ахборотни ва уни қайта ишловчи воситаларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган.

33. Ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти қўйидагиларни ўз ичига олиши талаб этилади:

- маълумотларни сақлаш;
- рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш;
- яхлитликни таъминлаш;
- хавфсизлик девори;
- рухсатсиз киришларни аниқлаш;
- антивирус ҳимояси.

34. Ушбу Техник талабларнинг 33-бандида назарда тутилган талаблар буюртмачи билан келишилган ҳолда, техник дизайн босқичида аниқланиши ва ўзгартирилиши мумкин.

35. Ахборотни муҳофаза қилишда ишлатиладиган дастурий таъминот учун O'zDSt 2816:2014 “Ахборот технологиялари. Эълон қилинмаган имкониятлар устидан назорат даражаси ахборотини ҳимоялаш воситаси дастурий таъминот классификатори” давлат стандарти талабига асосан назорат қилишнинг учинчи даражаси таъминланиши талаб этилади.

36. Тизим аппарат ва дастурий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда интеграцияланган ҳолда ишлашини таъминлаш техник лойиҳалаш босқичида амалга оширилиши зарур.

37. Жорий этилаётган тизимнинг “Маъмурий амалиёт” КААТ ёки бошқа ахборот тизимлари билан интеграциялаш тартиби ҳамда уларнинг ўзаро бир-бири билан боғланиш интерфейслари тўғрисидаги ечимлар техник лойиҳалаштириш даврида қабул қилинади.

38. Ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти тизимнинг уланиш объектлари ва маълумотларини потенциал хавфлардан, тасодифий ҳаракатлардан ва ташқи хужумлардан ҳимоя қилишни таъминлаш зарур.

39. Ахборот хавфсизлиги дастурий таъминоти қуидаги талабларга жавоб бериши шарт:

маълумотларга рухсатсиз киришдан ҳимоялаш;

дастурий таъминот ва фойдаланувчилар фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобга олиш;

ахборотни алоқа каналлари орқали узатиш, сақлаш ва қайта ишлаш жараёнида рухсатсиз модификациядан ҳимоялаш;

тизим ресурсларига киришни бошқариш;

алоқа каналларидан узатилаётган маълумотларни криптографик усууллар орқали махфийлигини таъминлаш;

вируслардан ҳимоялаш;

дастурий таъминотга ноқонуний киришдаги маълумотларни таҳлил қилиш;

дастурий таъминот конфигурациясида юзага келган хатоликлар ва камчиликларни аниқлаш.

## **11-§. Тизимни синовдан ўтказишга қўйиладиган талаблар**

40. Тизим ўрнатилгандан кейин ўн кун синов тариқасида ишлайди.

41. Синов муддатида тизим ёрдамида аниқланган қоидабузарликлар ўн кун муддатда ваколатли орган томонидан таҳлил қилинади ва мазкур Техник талабларда назарда тутилган қоидаларга зид бўлмаган “Тизимни ўрганиш бўйича хулоса” тасдиқланиб, тизимдан фойдаланишга рухсат берилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорига  
2-илова

**Электрон онлайн-аукционларга қўйиш учун маҳсус  
автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник  
воситалари ўрнатиладиган жойларнинг минимал қийматини  
(бошланғич нархини) белгилаш  
ТАРТИБИ**

Чорраҳа ва кўчаларда сутка давомида транспорт воситалари қатновининг ҳаракатланиши жадаллиги (сони)	Маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ўрнатиладиган жойларнинг минимал қиймати (бошланғич нархи)			
	Тошкент шахри худудида	Тошкент вилояти худудида	Вилоятлар марказларида	Бошқа туман ва шаҳарларда
0-20 000	базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баравари
20 000 – 40 000	базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 13 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баравари
40 000 – 60 000	базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 18 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 13 баравари
60 000 – 80 000	базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 23 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 18 баравари
80 000 – 100 000	базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 28 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 23 баравари
100 000 ва ундан юқори	базавий ҳисоблаш миқдорининг 35 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 33 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 баравари	базавий ҳисоблаш миқдорининг 28 баравари

**Изоҳ. Транспорт воситалари қатновини аниqlаши “Йўл ҳаракатини ташкил этишининг  
техник воситаларини қўллаши қоидалари” тўғрисидаги давлатлараро стандартга мувофиқ  
амалга оширилади.**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил 21 апрелдаги 232-сон қарорига  
3-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1-илованинг 9-позицияси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

		Йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарималар суммаси маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммасидан ташқари.	45
9.	Ички ишлар вазирлиги	Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун жарима суммаси (тадбиркорлик субъектларига тегишли маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари ҳамда тегишли оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар шохобчалар орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ҳамда божхона органлари томонидан ундирилган жарима суммаси бундан мустасно).	50
		Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган хорижий давлатларнинг автотранспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун Давлат божхона қўмитаси томонидан ундирилган жарима суммаси.	25
		Автомототранспорт воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун тўлов суммаси.	8
		Қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган маблағлар.	8
		Чиқиш ва кириш визалари берилганлиги, улар муддатининг узайтирилганлиги, вақтинча турган жой бўйича рўйхатга олинганлиги, доимий яшаш учун ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги учун давлат божлари.	8
		Тадбиркорлик субъектларига тегишли маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш дастурий-техник воситалари қайд этган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун ундирилган жарима суммаси:	
		тизим жорий этилиб, ишга туширилган кундан бошлаб бир йил давомида;	10
		тизим жорий этилиб, ишга туширилганидан бир йил ўтган кундан бошлаб.	15,,

